



“30” март 2021 й. № 02-06/1505

**Ташқи реклама объектлари  
(конструкциялари) эгаларига, ташқи  
реклама билан шуғулланувчи  
реклама агентликлари**

*Нусхаси:* **Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва  
Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида” 2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарори билан ташқи реклама объектлари (конструкциялари) жойлаштириш бўйича тартиблар тасдиқланган.

Жумладан, Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш тартиби тўғрисида Низомнинг 92 бандида – Ташқи реклама объекти (конструкцияси) эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Бунда, ташқи реклама объекти (конструкцияси) эгаси тижорат рекламасини жойлаштиришга буюртма бўлмаган тақдирда, белгиланган тартибда ижтимоий реклама жойлаштириши кўрсатиб ўтилган.

Бироқ, жойларда ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш, ўрнатиш ҳамда жорий ҳолатини тартибга солишда мазкур қарор талабларига риоя этилмаслиги ҳамда ташқи реклама конструкциялари эгалари томонидан тизимли равишда кўрикдан ўтказилиши назорат қилинмаслиги натижасида бўш турган, тижорат ёки ўрнига ижтимоий реклама жойлаштирилмаган конструкциялар сони ортиб бормоқда.

Шунингдек, ташқи реклама объекти (конструкцияси) эгаси конструкция ташқи кўринишини мувофиқ ҳолатда сақланишини таъминлаши ҳамда тижорат рекламасини жойлаштиришга буюртма бўлмаган тақдирда, белгиланган тартибда ижтимоий реклама жойлаштириш чораларини кўриши лозим.

Ўз навбатида, ташқи реклама объекти (конструкцияси) уларнинг эгалари томонидан етарлича назорат қилинмаслиги, хусусан конструкцияларни бўш, рекламасиз қолдириш, тезкор равишда ижтимоий рекламаларни жойлаштирилмаслиги, темир каркас қиёфасини яққол кўриниб туриши шаҳарлар қиёфаси ва шаҳарсозлик кўринишини (имиджини) бузилишига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан Сиздан, ташқи реклама объектларининг (конструкцияларининг) жорий ҳолатини доимий назорат қилиб боришингиз ва юзага келган номувофиқларни тезкор бартараф этиш чораларини кўришиниз сўралади.

**Директор ўринбосари**



**А. Қурбонов**